



ЁШЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ МОЛИЯВИЙ МУАММОЛАРИ

Т.И. Бобакулов

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби профессори, и.ф.д.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев эътироф этганидек, “барчамиз яхши биламизки, тадбиркорлик, ишбилармонлик хусусиятлари аввало ёшларга хос фазилат ҳисобланади. Демак, тадбиркорликка йўл очиш – аввало, ёшларга кенг йўл очиб беришдир, десак, айти ҳақиқат бўлади”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 1 июндаги ПҚ-210-сонли “Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш соҳасидаги муҳим воқеалик бўлди. Ушбу Қарорга мувофиқ, 2026-2028 йилларда саноат, хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ёшларнинг тадбиркорлик ташаббус ва ғояларини молиялаштириш тизимини ривожлантириш, “Алоқабанк” томонидан “Ёшлар бизнеси” дастури доирасида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларидаги 31 ёшга тўлмаган жисмоний шахсларга асосий қарздан 1 йилгача, фоиз тўловларидан 3 ойгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга кредитларни Марказий банк асосий ставкасидан 4 фоизли пунктга юқори ставкада ажратиш, суғурта полиси ёки учинчи шахс кафиллиги асосида 100 млн. сўмгача имтиёзли микроқарзлар ажратиш каби муҳим чоралар белгиланди².

Ҳозирги даврда ёшлар тадбиркорлигини молиявий ресурслар таъминотида асосий ўринни давлат маблағлари ҳисобидан тижорат банклари орқали берилаётган имтиёзли кредитлар эгаллайди. Бунда “Ёшлар-келажагимиз” жамғармаси маблағлари муҳим ўрин тутмоқда.

Мазкур Жамғарма тижорат банкларига арзон ресурслар бериш билан бирга, тижорат банклари кредитлари учун гаровнинг етмаган қисмига кафолатлар ҳам бермоқда.

Бирок, ёшлар тадбиркорлигини молиялаштириш амалиётига салбий таъсир қилаётган омиллар сақланиб қолмоқда. Улардан асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Инфляция даражасининг нисбатан юқори эканлиги.

Марказий банкнинг расмий статистик маълумотига кўра, 2025 йилда республикада инфляциянинг йиллик даражаси 7,3 фоизни ташкил этди.

¹ Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104-бет.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 1 июндаги ПҚ-210-сонли Қарори. Тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш орқали ёшлар бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида//www.lex.uz

Инфляция даражасининг юқори эканлиги маҳсулотлар таннархини ошишига олиб келмоқда. Маҳсулотлар таннархини ошиши эса, тадбиркорларнинг рентабеллигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Рентабеллик даражасининг пасайиши эса, ёш тадбиркорларнинг тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади. Чунки, кредитни қайтариш имконияти тадбиркорнинг рентабеллик даражаси билан белгиланади.

2. Миллий валюта номинал алмашув курсининг волатиллик даражасининг юқори эканлиги.

Миллий валюта муомалага киритилган вақтдаги (1994 йил июль) илк валюта савдосида сўмнинг 1 АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курси 7,00 сўмни ташкил этган эди. 2025 йилнинг декабрь ойига келиб, унинг курси 12000,00 сўмдан ошди.

Миллий валютанинг бу қадар юқори суръатларда қадрсизланиши импортнинг қимматлашишига олиб келди. Импортнинг қимматлашиши эса, ўз навбатида, инфляциянинг кучайишига сабаб бўлди.

3. Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасининг паст эканлиги.

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси атиги 20,4 фоизни ташкил этди³.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш қуйидаги тадбирларни шошилиш равишда амалга оширишни тақозо этади:

1. Инфляцияни юзага келтирувчи монетар ва монетар бўлмаган омилларнинг даражасини пасайтириш учун, биринчидан, табиий монополиялар маҳсулотлари ва баҳоларининг паст ва барқарор суръатларда ўсишига эришиш керак; иккинчидан, давлат бюджети харажатларини ташқи манбалардан молиялаштириш ҳажмини қисқартириш йўли билан миллий валютадаги пул массасининг ўсиш суръатларини пасайтириш зарур.

2. Миллий валютанинг девальвация суръатини пасайтириш учун, биринчидан, ташқи савдо балансининг дефицитига барҳам бериш ва салбий девальвацион кутилмага барҳам бериш керак; иккинчидан, интенсив валюта интервенциясидан воз кечиш зарур; учинчидан, инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришишни таъминлаш керак.

3. Пул-кредит сиёсати трансмиссион механизмнинг кредит каналини кучайтириш ва давлат бюджети харажатларини ошириш орқали иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини ошириш лозим.

³ Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикасининг Статистика агентлиги ва Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида ҳисобланган.